

НОСИРОВА Азиза Рустамовна

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси

Диншунослик ва жаҳон динларини

қийсий ўрганиш UNESCO

кафедраси доценти в.б. т.ф. PhD

ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ДИНИЙ КСЕНОФОБИЯ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ ПРОФИЛАКТИКИ РЕЛИГИОЗНОЙ КСЕНОФОБИИ В ФОРМИРОВАНИИ ИДЕОЛОГИЧЕСКОГО ИММУНИТЕТА У МОЛОДЁЖИ

THE ROLE OF PREVENTING RELIGIOUS XENOPHOBIA IN THE FORMATION OF IDEOLOGICAL IMMUNITY AMONG YOUTH

Аннотация. Ушбу мақолада диний ксенофобиянинг глобаллашув даврида намоён бўлиши хусусиятлари билан бир қаторда, унинг ёшлар онгига, жамиятга таъсири, пайдо бўлиш омиллари, олдини олиш механизмлари каби масалалар ёритилган. Ксенофобияни олдини олишда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, таълим, маданият, ахборот, ОАВ орқали амалга оширилиши мумкин бўлган ислохотлар таҳлил этилган. Диний ксенофобия глобаллашув даврига келиб, диний сегрегация, этноцентризм, гуруҳдаги фаворитизм, ақидапарастлик каби ҳодисалар натижасида дин ва миллатлар ўртасида содир бўлаётган келишмовчилик ва низоларнинг асосий омилларидан бирига айланаётгани ўрганилган.

Калит сўзлар: Диний ксенофобия, мафкуравий иммунитет, ёшлар тафаккури, таълим-тарбия, диний-маърифий, радикализм.

Аннотация. В данной статье рассматриваются особенности проявления религиозной ксенофобии в эпоху глобализации, а также её влияние на сознание молодёжи и общество в целом, факторы возникновения и механизмы предотвращения. Проанализированы реформы, которые могут быть реализованы через социальную,

экономическую, политическую, образовательную, культурную и информационную сферы, а также посредством средств массовой информации, в целях предотвращения ксенофобии. Исследуется, что в условиях глобализации религиозная ксенофобия, возникая на основе религиозной сегрегации, этноцентризма, внутригруппового фаворитизма и радикализма, становится одним из ключевых факторов конфликтов и противоречий между религиями и народами.

Ключевые слова: религиозная ксенофобия, идеологический иммунитет, мышление молодёжи, образование и воспитание, религиозно-просветительская деятельность, радикализм.

Abstract. This article examines the features of the manifestation of religious xenophobia in the era of globalization, as well as its impact on youth consciousness and society as a whole, the factors contributing to its emergence, and mechanisms for its prevention. The study analyzes reforms that can be implemented through social, economic, political, educational, cultural, and informational spheres, as well as through mass media, with the aim of preventing xenophobia. It argues that under conditions of globalization, religious xenophobia arising from religious segregation, ethnocentrism, in-group favoritism, and radicalism has become one of the key factors driving conflicts and tensions between religions and peoples.

Keywords: Religious xenophobia, ideological immunity, youth mindset, education and upbringing, religious and educational outreach, radicalism.

КИРИШ

Диний ксенофобия билан боғлиқ салбий ҳолатлар XXI асрда ҳам дунёнинг баъзи ҳудудларида кузатишмоқда. У туфайли содир бўлаётган келишмовчилик ва низоли вазиятларни таҳлил қилиш билан бирга, олдини олиш механизмларини илмий-назарий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Диний ксенофобия, экстремизм, терроризм каби иллатлар асосан ёшлар онгига таъсир этиши кўпроқ кузатилади. Бунда улар амалга ошмай қолган орзу-умидлари, хохиш-истаклари, жамият, атроф-муҳитдан норози эканликлари, натижада, ёт ғояларга эргашиб кетиш билан боғлиқ ҳолатлар кузатилади.

Мутахассис М.Яҳёнинг фикрига кўра, ташқаридаги баъзи бузғунчи кучлар халқни пароканда қилиб, аҳолини ҳалокатга бошлайди.

Жамият ҳамжиҳатлигига раҳна солиб, халқни жар ёқасига олиб боради. Диний тушунчалардан усталлик билан фойдаланиб, инсонларга уларнинг асл моҳиятини бузиб кўрсатади. Шунингдек, ёшларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, оммани норозилик кайфиятида тарбиялайди. Ғўр ёшларни эса алдов йўли билан ўзининг қуролига айлантириб, жувонмарг қилади [1:16].

Ёшларнинг ёт ғоялар, ксенофобия, экстремистик гуруҳларга аъзо бўлмасликлари ва кейинчалик жамиятда низоли вазиятларни келтириб чиқарувчи шахсга айланиб қолмасликлари мақсадида таълим муассасаларида амалий психология, диншунослик фанлари доирасида ўқувчи ёшларнинг хиссиётлари, ахлоқидаги ўзига хос хусусиятларни эрта аниқлашга хизмат қилувчи тизим яратиш мумкин. Шунингдек, умумий ўрта таълим муассасаларида ксенофобик фикрлар ва хатти-ҳаракатларга мойил ўсмирларни аниқлаш ва уларни тўғри йўлга йўналтирувчи амалий профилактик дастурларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Мазкур масалалар шубҳасиз, таълим муассасалари, мутахассис ходимлар ҳамкорлигида амалга ошириш юқори натижа беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бу борадаги профилактик тадбирлар, ксенофобия, зўравонликнинг олдини олишда қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин.

Ижтимоий соҳада: мамлакатда диний-ижтимоий, психологик соғлом, қулай муҳитни яратиш;

аҳолининг ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш;

ёш авлод тарбиясида оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларга ватанпарварлик туйғуси ва диний бағрикенглик ғояларини сингдириб бориш.

Иқтисодий соҳада: ҳудуд, мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш;

аҳолининг ҳаёт даражасини кўтариш.

Сиёсий соҳада: мамлакатдаги турфа миллат ва диний жамоа вакиллари ўртасидаги муносабатларни яхшилашга хизмат қилувчи ислохотлар ўтказиш;

барқарор, ижтимоий-иқтисодий фаровонликни таъминлашга хизмат қилувчи сиёсат олиб бориш;

осойишталикни таъминлашда ёшлардан иборат кўнгиллилар гуруҳларини ташкил қилиш;

ҳукумат вакиллари томонидан турли миллат ва конфессиялар ўртасидаги муносабатларни доимий мониторинг қилиш ва маълумотларни фуқаролар учун очиқлигини таъминлаш.

Таълим соҳасида: фуқароларнинг жамиятда тинчлик-тотувликни асрашга, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳурматга асосланишига хизмат қилувчи таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш;

таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчиларга диний-маданий тасаввурларини шакллантириш ва бойитиш мақсадида мазкур йўналишда машғулот ва дарсларни олиб бориш;

олий таълим муассасаларида ёш авлодни тинчлик-тотувлик, бағрикенглик, ватанпарварлик туйғулари асосида камол топишига хизмат қилувчи мутахассис педагог кадрлар тайёрлашга аҳамият қаратиш;

мактабгача таълим муассасаларида ўсиб келаётган ёш авлодга, турфа миллат, элат ва дин вакилларига ҳурмат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилувчи тадбирлар дастурини яратиш, уларни амалиётга жорий этиш;

умумтаълим муассасалари ўқувчиларига, диний бағрикенглик ичра турфа маданият, динлар тотувлиги, жамиятнинг барқарор ривожини учун муҳим жиҳат эканини тарғиб қилувчи курсларни киритиш.

Маданият соҳасида: доимий равишда, ўзга маданият ва дин вакилларига ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб этувчи давра суҳбатлари, конференция, танлов ва олимпиадаларни ташкил этиш;

турфа миллат, дин вакиллари ўзаро меҳнати асосида тайёрланган ижодий ишлар ютуқларини намоён қилувчи кўргазмалар ўтказиш;

миллат ва диний жамоалар ўртасида ўзаро муносабатларни яхшилашга хизмат қилувчи маданият кунларини ташкил этиш;

миллий, диний байрамларни ҳамжиҳатликда нишонлаш [2:187].

Ахборот соҳасида эса, ОАВ да доимий равишда миллий кадриятлар, диний арбоблар илмий ижоди, адолат ва эзгулик намоёндалари фаолиятини кенг тарғиб этиш;

шу билан биргаликда, ОАВда муайян миллат, дин тўғрисидаги салбий фикрларни бартараф қилишга қаратилган кўрсатувларни намоёиш этиш;

миллий, диний, ирқий, ижтимоий келишмовчиликни тарғиб қилувчи экстремистик руҳдаги босма нашрлар, варақалар, сайтлар фаолиятига чек қўйиш;

ОАВда доимий равишда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни тарғиб қилувчи кўрсатув, эшиттиришларни намоёиш қилиш.

Ксенофобия ва нафрат туфайли юзага келувчи ҳар қандай кўринишдаги жиноятларнинг олдини олишда экстремизмга қарши курашнинг бир қисми сифатида қараш ўринли. Бунда асосан диний-маърифат, бағрикенглик ва ватанпарварлик ғояларини тарғиб этиш муҳим омиллардан [2:45].

Диний ксенофобия профилактикасининг муҳим омили сифатида яна қуйидаги омилларни ҳам ўз ичига олиши мумкин:

бунда асосан таълим муассасаларида ксенофобия, мутаассибликка қарши курашишда ёшлар сиёсатининг устувор вазифасига айлантириб, фаолиятни моддий, маънавий, техник, ахборот (соҳага оид янгиликлар, ахборот ресурс база) ва мутахассислар билан таъминлаш;

ксенофобия ва мурасасизликка қарши инновацион услублар, ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни ишлаб чиқиш;

мазкур ҳолатларнинг олдини олиш бўйича доимий равишда мониторинг олиб бориш ва натижаларидан келиб чиққан ҳолда, юқорида санаб ўтилган режаларни амалга оширишда фойдаланиш;

ксенофобия ва мутаассибликка қарши кураш олиб боровчи жамоат ташкилотлари мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган услубий, технологик чора-тадбирлар, ташаббуслардан фойдаланишни назарда тутиш;

этниқ, диний, маданий гуруҳларнинг мурасасизликка қарши курашга хизмат қилувчи мулоқотларни ташкил этиш.

Мутахассис олима, М.Сайфиддинованинг фикрига кўра, ёшлар онгига бағрикенглик ғояларини сингдиришда таълим тизими алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби, ўқувчилар айнан таълим муассасаларида тўпланган ижтимоий тажриба ва кадриятларни илмий асосда ва тизимли тарзда ўзлаштириб борадилар. Қолаверса, таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли тарбия жараёнида тадрижийлик таъминланади. Шунинг учун ҳам, халқаро ҳужжатларда масаланинг бу жиҳатида доимо алоҳида эътибор берилади. Хусусан, “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да тарбия мурасасизлигининг олдини оловчи энг самарали воситалардан бири экани, “Таълим соҳасидаги сиёсат ва дастурлар, этниқ, ижтимоий, маданий, диний, турфа тилда сўзлашадиган кишилар, шунингдек, миллатлар ўртасида тушунишни яхшилашга, ўзаро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши лозим”лиги қайд этиб ўтилган [3:32]. Бундан кўриниб турибдики, таълим тизими миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ғоясини сингдиришга хизмат қилувчи муҳим механизми бўлиш билан бир қаторда, таъбир жоиз бўлса, миллатлараро муносабатларнинг аҳволини кўрсатувчи ўзига хос кўзгудир [4:55].

Дарҳақиқат, диний ксенофобия, исламофобия, экстремизм каби иллатларнинг олдини олишда оиладаги соғлом муҳит, мазкур йўналишдаги ҳукумат қарорлари, таълим муассасалари ташаббуслари бир қанча соҳа мутахассислари фаолияти, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ҳамкорлиги ҳар бир ёш, фуқаронинг диний-ижтимоий йўналишдаги фаолиятини тўғри йўлга йўналтиришда муҳим омил ҳисобланади.

Мутахассис М.Яҳё таъкидлаганидек, болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий-ахлоқий камол топиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг мурғак қалбида ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини онгли равишда шакллантириш лозимдир. Болаларни

Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш орқали фарзандларимизнинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш керак [5:187]. Болаларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари билан нодавлат-нотижорат ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда катта аҳамият касб этади [6:592].

Ксенофобия профилактикасида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бунда анъанавий ҳамда инновацион услублардан фойдаланиш зарур. Оммавий тадбирлар, жумладан, фестивалъ, форум, ижтимоий-ҳуқуқий марафон каби жамоат тадбирларида маҳаллий ҳамда хорижий фуқаролар иштирокини таъминлаш ҳамда белгиланган мавзу юзасидан фикр алмашиш, барчанинг фаол иштироки, ижобий натижа беради.

Бундан ташқари, турфа миллат вакилларининг ҳунармандчилик намуналарини акс эттирувчи фестивалъ ва байрамларни нишонлаш, динларнинг ўзаро муштарақ ва фарқли жиҳатларини англашга қаратилган танловлар ўтказиш, ижтимоий-маданий фаолиятни, ўзига хос технологиялар орқали намоиш этиш ҳам ижобий натижа беради. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масалалари мониторингини олиб бориш, улар ўртасида дўстона муносабатларга хизмат қилувчи спорт тадбирларини ташкиллаштириш ксенофобия ва экстремизмнинг олдини олишнинг муҳим шартларидан.

Диний ксенофобия профилактикасида давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, маданий-маърифий йўналишдаги ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш ва ҳозирги давр билан ҳамнафаслигини таъминлаш, муаммони ҳал қилишда муҳим омиллардан.

Диний ксенофобия, экстремизм каби муаммоларнинг олдини олишда, улар ўртасидаги муносабатларни маҳаллий, ҳудудий

ва минтақалараро ҳамкорликда олиб бориш ҳам самарали восита ҳисобланади.

Мутахассис олим А.Очилдиев фикрига кўра:

ғараз мақсадларда амалга оширилаётган ғоявий таъсирларга қарши ҳар бир фуқарода мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш, мавжуд маънавий-мафкуравий таҳдидларни тўғри баҳолаш, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқара олиш қобилиятини шакллантириш;

кучайиб бораётган мафкуравий таҳдидларга нисбатан доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашни ўргатиш;

фуқароларнинг миллий қадриятлар, ватанпарварлик, давлат ва жамият манфаатларига садоқат, ор-номус, уят ва андиша каби ахлоқий туйғу ва тушунчаларни маъно-мазмунини чуқур англаб етишга ва амал қилишига эришиш;

бепарволик ва лоқайдликнинг олдини олиш, ҳушёрлик ва жонқуярликни тарбиялаш, мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғусини камол топтириш [7:381].

Ксенофобиянинг олдини олишда, маълум мутасадди шахсларнинг фаолияти билан чекланиб қолмай, ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи эканини таъкидлаш лозим. Боиси, ҳар бир шахс фуқаролик бурчи сифатида Ватан тинчлиги ва равнақи учун ҳисса қўшмоғи, буни аввало ўз оиласи, хизмат фаолиятида намоён этмоғи бутун жамият, давлат учун ўзининг ижобий натижасини беради.

ХУЛОСА

Дин миллий маънавиятнинг таркибий қисми, миллатни бирлаштирувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бир тилда сўзлашадиган, ўз тарихи ва давлатига эга бўлган, аммо турфа динларга ёки диний йўналишларга эътиқод қилувчи миллат вакиллари ҳамон ички миллий бирликни таъминлай олмаётгани, кичик бир сабаб қайта-қайта низоли вазиятлар ва фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратаётгани ва мамлакатлар ўз тараққиётида ўнлаб йилларга орқада қолиб кетаётгани ҳам ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатади [8].

Давлат ҳар бир диний жамоа ва конфессия вакиллари, шунингдек, ҳеч қайси динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроа ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, мутаассиблик ва экстремизм асосида диний муносабатларни кескинлаштиришга, конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Муайян динга эътиқод қилувчиларни бошқасига киритишга қаратилган прозелитизм ва миссионерлик фаолияти қонуан ман этилади [9:49].

Бугунги кунда ксенофобиянинг олдини олишда диний-маърифий йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг ўрни бекиёс. Жамиятнинг ҳар бир қатлами айниқса ёшларнинг ёт ғоялар таъсирига берилишининг олдини олиш, уларнинг етук шахс сифатида шаклланиши ва шу орқали оила, маҳалла, мамлакат келажагига хизмат қилувчи фаол жамият қатламини тарбиялаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мухаммад Амин Яҳё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. – Т.: Мовороуннахр, 2016.
2. Верещагина А. Философские и социологические науки на юге России: анализ диссертационных исследований, защищенных в 2014 году. Гуманитарий Юга России. 2015 №1.
3. Апанасюк Л. Теоретико-методологические основы профилактики ксенофобии в студенческой среде средствами социально-культурной деятельности. Дисс. ... докт. пед. наук. – Тамбов, 2014.
4. Бағрикенглик тамойиллари декларацияси. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 2004.
5. Сайфиддинова М. Ёшларда бағрикенглик туйғусини шакллантириш умуминсоний қадрият сифатида. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида раҳбар кадрлар олдида турган вазифалар: мавжуд ҳолат, муаммолар ва ечимлар Республика илмий-амалий анжумани материаллари.
6. Верещагина А. Философские и социологические науки на Юге России: анализ диссертационных исследований, защищенных в 2014 году. Гуманитарий Юга России. 2015 №1.
7. Мухаммад Амин Яҳё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. – Т.: Мовороуннахр, 2016.
8. Очилдиев А. Мафқуравий таҳдидлар ва ғоявий тарбиянинг долзарб масалалари. Маънавий ва диний етуклик – давр талаби / Тўпловчилар: Исломов З. Шожалилов Ш. – Т.: ТИУ нашриёт-матба бирлашмаси, 2009.
9. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. – Т.: ТИУ нашриёт-матба бирлашмаси, 2017.